

ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

Алимов Обид Захиджанович

тадқиқотчи

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6920694>

Аннотация. Мазкур мақола бугунги кунда долзарб мавзулардан бири ҳисобланган йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш масалаларига бағишланган бўлиб, унда асосий эътибор бугунги кунда бу борада давлат сиёсати, амалиётдаги ҳолатлар статистик мисоллар билан ёритиб берилган. Қолаверса, мақолада олимларнинг илмий қарашлари ва хорижий давлатлар тажрибаси асосида қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: йўл ҳаракати хавфсизлиги, мастлик ҳолати, автотранспорт воситалари, тан жароҳати, транспорт воситасини бошқариш, ҳокимият вакили.

НЕКОТОРЫЕ ВОПРОСЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ СИСТЕМЫ БЕЗОПАСНОСТИ ДОРОЖНОГО ДВИЖЕНИЯ

Аннотация. Данная статья посвящена вопросу обеспечения безопасности дорожного движения, который на сегодняшний день считается одной из самых актуальных тем, и основное внимание освещается посредством статистических примеров государственной политики и практических ситуаций в этом отношении на сегодняшний день. Кроме того, в статье содержатся предложения по совершенствованию законодательства, основанные на научных взглядах ученых и опыте зарубежных стран.

Ключевые слова: безопасность дорожного движения, состояние опьянения, автотранспортные средства, телесные повреждения, управление транспортным средством, представитель власти.

SOME ISSUES OF IMPROVING THE ROAD SAFETY SYSTEM

Abstract. This article is devoted to the issue of road safety, which is considered one of the most relevant topics today, and focuses on statistical examples of state policies and practical situations in this regard today. In addition, the article contains proposals for improving legislation based on the scientific views of scientists and the experience of foreign countries.

Keywords: road safety, state of intoxication, motor vehicles, bodily injuries, driving, authority representative.

КИРИШ

Мамлакатда ижтимоий-иқтисодий, демографик муаммоларни ҳал қилиш, шахсий хавфсизлик вазифаларини амалга ошириш, аҳолининг турмуш даражасини ошириш ва минтақавий ривожланишга қўмаклашишнинг ажралмас қисми йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашдир. Зеро, мамлакат президенти Шавкат Мирзиёев 11 февраль куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида “Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича қонунларимиз ҳам, ишларимиз ҳам қониқарсизлигидан одамлар жуда катта эътироз билдирапти. Ўзбекистонда йўл ҳаракати хавфсизлиги масаласи издан чиқиб кетган”лигини алоҳида таъкидлади.

ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Дунё мамлакатлари орасида йўлларда ўлим даражасининг ортиб кетаётганлиги замонавий илм-фанда бу соҳани яқиндан ўрганиш йўналишларидан бири эканлигидан далолат бермоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг берган маълумотига кўра, дунё бўйлаб ҳар йили ўртача миллиондан ортиқ одам йўл-транспорт ҳодисалари оқибатида вафот этади. 2019 йилнинг ўзида дунё бўйича ўртача 100 минг аҳоли сонига 17 та одам сони тўғри келган. Ўзбекистон 180 та давлат орасида 117-ўринда, яъни ҳар 100 минг аҳолига ўлим сони 11,7 та одамга тўғри келган. Давлатлар орасида энг юқори кўрсаткич бу Доминика (64,6), Зимбабве (41,2) ва Венесуэлла (39) га тўғри келса, энг паст кўрсаткич Мальдива (1,6), Микронезия (0,2), Антигуа и Барбуда (0) га тўғри келмоқда.

МДХ давлатларида бу кўрсаткич Таджикистан 87-ўринни (15,7), Туркменистон 103-ўринни (13,5), Қозоғистон, Қирғизистон 107-108-ўринни (12,7), Россия 114-ўринни (12) эгаллаб турибди.

Мутахассисларнинг қайд этишича, бунга инфратузилманинг ривожланмаганлиги, йўлларнинг талабга жавоб бермаслиги ва йўл-транспорт ҳодисаларида жабрланганларга сифатли тиббий ёрдам кўрсатилмагани сабаб бўлмоқда.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Республикамизда рўйхатга олинган автотранспорт воситалари сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Бу эса, ўз навбатида, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан ҳал этилиши керак бўлган қатор муаммоларни келтириб чиқаради. Йўл-транспорт ҳодисалари сони ва оқибатларининг хавфлилигини камайтириш ҳам шу каби ҳал этилиши лозим бўлган устувор вазифалардан биридир. Мамлакатда 2021 йилда 10 мингдан зиёд авариялар содир этилган ва 9 мингдан ортиқ фуқаро жароҳат олган, 2,5 мингга яқин одам (263 нафар бола) ҳалок бўлганлиги сўзимизнинг яққол исботидир. ЙТХларнинг 1,4 фоизи эса маст ҳолда рулга ўтириш оқибатида келиб чиққан.

Афсуски, транспорт воситаларини маст ҳолда бошқариш ҳайдовчилар томонидан энг кўп содир этиладиган йўл ҳаракати қоидаларини бузиш турларидан бўлиб қолмоқда. Республика жиноят ишлари бўйича судлари томонидан келтирилган маълумотларга кўра, 2021 йилда республикада жами 25 680 та транспорт воситаларини маст ҳолда бошқариш (МЖТКнинг 131-моддаси) бўйича, шунингдек, 11 449 та транспорт воситалари ҳайдовчиларининг ва транспорт воситалари ҳайдовчиларининг ва йўл ҳаракати бошқа иштирокчиларининг мастлиги ёки маст эмаслигини аниқлаш учун текширувдан ўтишдан бўйин товлаши (МЖТКнинг 136-моддаси) бўйича маъмурий ишлар кўрилган. Ҳудудлар миқёсида оладиган бўлсак, транспорт воситаларини маст ҳолда бошқариш юзасидан энг кўп Самарқанд вилояти 4 860 та ва Хоразм вилояти 2 628 та ҳиссасига тўғри келмоқда.

Хорижий давлатларнинг қонунчилиги таҳлиллари шуни кўрсатмоқдаки, маст ҳайдовчиларни жиноий жазолаш борасида икки хил ёндашув мавжуд, яъни: баъзи мамлакатларда транспорт воситасини алкоғолли, гиёҳвандлик ёки бошқа мастлик ҳолатида бошқариш фактининг ўзи жиноят ҳисобланади, бошқаларида эса шахснинг ҳаракатида жиноят таркиби мавжуд бўлиши учун такрорийлик ёки маъмурий преюдиция бўлиши талаб этилади.

Энг биринчилардан бўлиб, маст ҳолда транспорт воситасини бошқаришни жиноят сифатида белгилаган давлатлар орасида бу Англия давлати ҳисобланади. Британияда 1872 йилдаёқ қабул қилинган “Лицензиялаш тўғрисида”ги қонуннинг 12-моддасида “маст ҳолда от, қорамол, вагон, буғ билан ишлайдиган машинани исталган магистралда ёки

бошқа жамоат жойида ҳайдаб юрган шахс жиноятда айбдор деб топилиши, ҳибсга олиниши ва жарима ёки 1 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши” мустаҳкамланган.

Германия, Испания, Болгария ва Латвия каби давлатлар жиноят қонунчилиги алкоголь, гиёҳвандлик ёки захарли мастлик ҳолатида транспорт воситасини бошқариш факти учун жавобгарликни назарда тутувчи нормаларнинг мавжудлигига эътибор қаратиш лозим.

МУҲОКАМА

Юқоридаги таҳлилларга таянган ҳолда республикада йўл-транспорт ҳодисалар сонининг ортиб бораётганлиги маст ҳолда транспорт воситасини бошқариш фактининг ўзини жиноят сифатида тан олиш асосли деб ҳисоблаймиз ва бу амалиётни мамлакатимиз қонунчилигига жорий қилиш лозим деб ҳисоблаймиз.

Бугунги кунда, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ходимлари томонидан хизмат вазифасини бажариши муносабати билан ҳаёт ёки соғлиқ учун хавfli бўлмаган зўрлик ишлатганлик, ўч олиш, уларнинг ва яқин қариндошларининг шахсий маълумотларини тарқатганлик учун Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида жавобгарлик назарда тутилмаган. Қонунчилигимизда бундай салбий ҳолатларга мутаносиб жавобгарлик белгилашга ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари, ҳарбий хизматчилар ҳаёти ва соғлиғига тажовуз қилганлик учун жавобгарликни кучайтиришга эҳтиёж сезилмоқда. Бу тўғрисида Президент Шавкат Мирзиёев 11 февраль куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида “Сўнгги пайтларда йўл ҳаракати инспектори фаолиятига қаршилик кўрсатиш учун қонун йўқ, шунинг учун инспектори фаолиятига қаршилик кўрсатиш, уларни обрўсизлантириш ҳолатлари кўпаймоқда. Қонунларни кўриб чиқишда бу масалага ҳам алоҳида эътибор қаратиш зарур” деб таъкидлаб ўтдилар.

ХУЛОСА

Қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ, ҳокимият вакиллари у ёки бу давлат функцияларининг амалга оширилишига жавобгар шахслар ҳисобланади. Ҳуқуқбузарликларга қарши курашишда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи ходимининг ҳаёти ва соғлиғи доимо хавф остида бўлади.

Ҳокимият вакиллари ўз қонуний фаолиятини тўла тўқис амалга ошириши учун ҳуқуқий ҳимоя муҳим аҳамиятга эга. Бугунги кунда айрим фуқаролар ҳокимият вакилларининг қонуний ҳаракатларига очикдан очик тўсқинлик қилиш ва зўрлик ишлатиш ҳолатларини содир этмоқда. Бу ҳаракатлар олдинги даврларга нисбатан анча кўпайиб бормоқда. Бундай ҳаракатлар ижтимоий тармоқларда ҳам кенг тарқалмоқда.

Ҳокимият вакилига нисбатан зўравонлик қўллаш нафақат уларнинг ҳаёти ва соғлиғига, балки ҳокимият, бошқарув ва жамоат бирлашмалари органларининг фаолият тартибига ҳам путур етказди. Бу эса давлат ҳокимиятининг ва мамлакатдаги ҳуқуқ-тартиботнинг заифлашишига олиб келади.

Ҳокимият вакилининг давлат ва жамият олдидаги масъулиятини инобатга олган ҳолда, давлат мансабдор шахсига ва унинг қариндошларига ўз хизмат вазифаларини бажариши муносабати билан ёки ўч олиш мақсадида зўравонлик қўллаганлик учун жиноий жавобгарликни жорий этиш муҳим ҳуқуқий асос яратади.

Республика қонунчилигида юқорида кўрсатилган муаммоларни бартараф этиш учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига қуйидаги ўзгартишлар киритиш таклиф этилмоқда:

“219¹-модда. Ҳокимият вакилига нисбатан зўрлик ишлатиш

1. Ҳокимият вакилига ёки унинг яқин қариндошларига нисбатан хизмат вазифасини бажариши, худди шунингдек хизмат вазифаларини бажарганлиги муносабати билан ўч олиш мақсадида ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли бўлмаган зўрлик ишлатиш –

базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатдан тўрт юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилдан беш йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

2. Ҳокимият вакилига ёки унинг яқин қариндошларига нисбатан хизмат вазифасини бажариши, худди шунингдек хизмат вазифаларини бажарганлиги муносабати билан ўч олиш мақсадида ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли бўлган зўрлик ишлатиш –

уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади”.

REFERENCES

1. <https://t.me/s/shmirziyoyev>
2. <https://nonews.co/directory/lists/countries/mortality-road-traffic>
3. https://daryo.uz/k/2022/02/17/ozbekistonda-2021-yilda-yuz-bergan-yol-transport-hodisalari-oqibatida-necha-kishi-halok-bolgani-malum-qilindi/?utm_source=@daryo_kirill
4. <https://stat.sud.uz/file/2022/17-01/jinoyat-2021-12oy.pdf>
5. Valdaev E.V. Jevoljucija zakonodatel'stva ob otvetstvennosti za transportnye prestuplenija po pravu Anglii // Juridicheskaja nauka i praktika: Vestnik Nizhegorodskoj Akademii MVD Rossii. 2014. № 4 (28). S.224-227.